Ушбу сонда:
2 МЕҲНАТ ЯРМАРКАЛАРИ
*Ёрдамида аёллар ишга жойлашдилар*
3 ҚАРИНДОШГА ҚИЗ БЕРМАНГ
4 САЛОМАТЛИК НЕЪМАТЛАРИ


ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2000 йил 29 феврал, сешанба №32 (864)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


## ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ЭЪТИБОР

Вилоятларда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи ташкилотлар, жамоа, ширкат, фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳафталик ўқуви давом этмоқда. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессияси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган маърузаларидан келиб чиқадиган устувор вазифалар муҳокама этилмоқда.

ТЕРМИЗ. Ўқувнинг очилишида сўзга чиққан Сурхондарё вилояти ҳокими Ж.Норалиев мазкур тадбирнинг мақсад ва вазифаларига батафсил тўхталди. 2000 йил ҳосили учун пухта ҳозирлик кўриш билан боғлиқ масалаларни ўртага ташлади.

Кенгаш иштирокчилари етакчи олимлар, мутахассислар ва мутасадди раҳбарларнинг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, молиялаштириш, солиқ, банк ва кредит тизимлари, ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш борасидаги маърузаларини тинглаб, ўзаро тажриба алмашдилар.

* * *

НАВОИЙ. Вилоят ҳокими Ҳ.ДИЛОВ семинар-кенгаш қатнашчилари эътиборини қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш борасида соҳанинг барча даражадаги раҳбарлари олдида турган масъулиятли вазифаларга қаратди.

Семинар машғулотларида ўтган йили қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда йўл қўйилган камчилик ва хатолардан тегишли хулоса чиқариб, шартнома муносабатларини такомиллаштириш, чек тизимини жорий қилиш, ер ва техника воситаларидан унумли фойдаланиш, чорвачиликни ривожлантириш, озуқа экинлари ҳосилдорлигини ошириш каби масалалар муҳокама қилинмоқда.

**/ЎзА/**

*Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тажрибасидан*

## КОРХОНАМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

***Самарқанддаги «Ўзқишлоқэлектрқурилиши» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг 2-механизациялашган колоннасида бўлганимизда бошланғич касаба уюшма ташкилотининг иш услуби эътиборимизни тортди. Корхонага кирганимизданоқ касаба уюшма ташкилотининг деворий газетаси, ички меҳнат тартиби қоидалари, меҳнат интизоми ва муҳофазасига оид кўрсатмалари кўзга ташланди. Муҳими, бундай кўрсатмалар сийқаси чиққан расмий тарзда эмас, балки ҳар бир кишининг шуурига тез сингадиган оддий ва шеърий ифодаланган. Масалан,***

***Соз бўлсин ҳимоя***
***воситаларинг,***
***Уларсиз ишлама,***
***мингмас жонларинг.***
***Хавф-хатар домига***
***суқма бошингни,***
***Кутишар уйинг***
***меҳрибонларинг,***

ёки «Сабр билан ишлар битар, шошқалоқлик бошга етар» каби сўзлар киши қалбига муҳрланиб қолиши шубҳасиз. Шу боис биз ҳам бошланғич касаба уюшма ташкилоти иши билан яқинроқ танишишга ҳаракат қилдик.

Аввало, жамоа шартномасида ишчилар учун белгиланган имтиёз ва кафолатлар анча диққатга сазовордир. Хусусан, иш шароити ҳисобга олиниб, қўшимча таътиллар бериш, корхонада кўп йиллар ишлаб нафақага чиққанларга, тўймаърака ўтказаётган ходимларга энг кам иш ҳақининг 2 дан 4 бараваригача моддий ёрдам кўрсатиш, корхонада ишлаб нафақага чиқаётган ходимларга иш стажига қараб энг кам иш ҳақининг 15 бараваригача мукофот ажратиш қайд қилинган.

- Корхонада ўттиз йилдан зиёд вақтдан бери ишлаяпман, - деди корхона чилангари Сервер Бекиров. - Кейинги йилларда иш шароитимиз анча яхшиланди. Ишчиларга ғамхўрлик ўзгарди. Тўғри, баъзида муаммолар ҳам учраб туради. Лекин раҳбарлар ва касаба уюшмаси вакиллари ҳолингдан хабар олиб туришса, кўнгил хотиржам бўлар экан.

Корхона бошланғич касаба уюшма қўмитаси ўз зиммасидаги вазифани бажаришга масъулият билан ёндошмоқда. Ўтган йилнинг июн ойида ишчиларни махсус иш кийимлари ва ҳимоя воситалари билан таъминлаш аҳволи қўмита мажлисида муҳокама қилиниб, бош муҳандиснинг ҳисоботи ва ҳақиқий аҳвол жиддий таҳлил этилган. Июн ойида эса жамоа шартномасининг 1-ярим йилликда бажарилиши ўрганилиб, белгиланган барча тадбирларни тўлиқ бажариш бўйича маъмурият билан ҳамкорликда тадбирлар ишлаб чиқилди. Асосийси, йил охиригача бу тадбирлар бажарилишига эришилди.

- Жамоамизнинг асосий фаолияти вилоятдаги юқори кучланишли электр тармоқларини қуришдан иборат. Бу анча хавфли жараён бўлиб, меҳнатни муҳофаза қилишга жиддий эътиборда бўлишни талаб қилади, - дейди 2-мехколонна касаба уюшма қўмитаси раиси Обиджон Қулбоев. - Шу боис корхонамизда ҳар ойда бир марта «Техника хавфсизлиги куни» ўтказилади. Талаб даражасида жиҳозланган техника хавфсизлиги хонасида барча учун махсус дарс уюштирилади. Унинг якунида тингловчиларнинг бу борадаги билимлари ва амалий тажрибаси синовдан ўтказилади. Бу тадбир техника хавфсизлигига ҳар бир кишининг эътиборини кучайтирмоқда, амалий ишларга туртки бермоқда.

Ҳақиқатан ҳам бу тадбирларнинг самараси яққол кўзга ташланади. Касаба уюшма фаолларидан Д.Турсунов, З.Мирзаева кабиларнинг таклифлари инобатга олингани боис корхонанинг ишлаб чиқариш бўлинмаларида санитар-маиший хоналар талаб даражасида жиҳозланди. Шуни ҳам айтиш керакки, кўп йиллардан бери корхонада жароҳатланиш ва касб касалликларига чалинишнинг олди олиб келинмоқда. Касалланиш сабабли иш куни йўқотишлар ҳам йил сайин камайиб бораяпти. Хуллас, касаба уюшма қўмитаси ишчиларга яқинроқ бўлишга, маъмурият билан амалий ҳамкорлик қилишга эришмоқда. Ишнинг бундай оддийгина ва самарали услуби эса жамоа шартномасида белгиланган режалар амалга ошишига имкон бермоқда.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## КАДРЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўз фаолияти давомида кадрларни ўқитиш, уларнинг билим доирасини кенгайтиришга ҳамда шу орқали касаба уюшмалари ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан самарали ҳимоялаш самарадорлигини янада юқори поғонага кўтаришга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Шу муносабат билан Федерация Кенгаши раёсатининг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ҳамда тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмиталари раисларининг бир ҳафталик ўқуви бўлиб ўтди. Тингловчилар ўқув жараёнида Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати, фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг аҳамияти, хусусийлаштириш жараёни ва тадбиркорликни ривожлантириш асослари, ёш авлодни тарбиялашда миллий маънавиятнинг ўрни ҳамда диний ақидапарастлик ва унга қарши кураш каби долзарб мавзуларда маърузалар тингладилар, баҳс-мунозараларда қатнашдилар.

Касаба уюшмалари қўмиталари раисларининг ўқуви давом этмоқда.

Самарқанд шаҳри Боғишамол тумани ички ишлар бошқармасига қарашли 3-сон ёнғиндан сақлаш бошқармасининг 2-мустақил ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисми жонкуяр ходимлари аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришлари туфайли яхши натижаларга эришмоқдалар.

64 кишилик қисмнинг офицер, старшина ва сержантлари ўтган йилда тумандаги 113 минг хонадон ва 48 та ўқув масканларида назорат ишларини олиб бордилар.



**Суратда: ҳайдовчи, старшина Абдумалик Холмирзаев.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

## УФҚЛАРНИ КЎЗЛАР НИГОҲИ

Бешим ака Самиев 75 ёшга кирсаямки, ҳамон сафда, одамлар орасида. Каттани ака, кичикни ука, дейишга одатланган. Бир сўзли, ориятли инсон. Энг қийин паллада ҳам одамлар орасида бўлишга интилади.

Ҳозир ҳам Жондор туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида у кишига тенг келадиган бригадирни топиш қийин.

Тўғри, у дурустгина нафақа олиб, қолган умрини фароғатда ўтказса ҳам бўларди. Атрофида гиргиттон фарзандлари, меҳрибон неваралари, овунчоқ эваралари бор. Жуфти ҳалоли Муқаддасхон ая эса у кишига суянчиқ. Лекин қишлоқдошлари уни деса, қандай қилиб рад жавобни берсин. Шу боис отахон елиб-югуриш билан ҳамон меҳнат кишисини қадрлаш, унга ғамхўрлик қилишда ҳаммага ўрнак.

Бундан чорак аср олдин Бешим ака туманда биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарганди. Лекин ўшанда у мукофотга машина сўрамади. Аксинча, мутасаддиларга «Агар хўп десангиз, Ўртачўлга техника ажратиб, янги ерлар ҳисобидан экинзорларни кенгайтиришимизга йўл очсангиз» деган шартни қўйди. Унинг таклифи ҳаммага маъқул тушди. Ҳозир бу ерларда унинг қишлоқдошлари деҳқончилик қилишади.

Ҳа, узоқни кўзловчи раҳбарларгина шундай йўлни танлайди. Шунинг учун ўшанда Бешим ака ўз шахсий манфаатидан кўра кўпроқ қишлоқдошлари, жамоадошлари ризқини бут қилишни, уларнинг тўқ ва фаровон яшашини ўйлаганди. Ҳозир ҳам унинг беором қалбини шундай туйғулар тарк этган эмас. У киши баъзида ҳар бир картадаги ғўзаларни эринмай санаб чиқади. Ҳар туп ниҳолдаги ҳосил ҳисобини олишга интилади.

Бешим ака далада Ҳабиб Муродов, Ҳасан Қосимов, Ёқуб Самиев, Ғайрат Зулфинов, Авез Боқиев сингари миришкорларга суяниб иш юритади. Маслаҳатли тўй тарқамас, деган пурмаъно нақлга амал қилиб, шу чоққача ҳеч қачон панд емаганлигининг ҳам боиси шунда. Ўктам Каримов, Ҳабиб Муродов, Қаҳрамон Алланазаров каби ўнлаб шогирдлари ҳам бугун устозлари ишончини қозонишган.

Истиқлолимизнинг 8 йиллик байрами нишонланадиган йилда 60 центнерлик довонни эгаллаб, ваъдасига вафо қилди.

Қиш охирлаб бораётир. Буни қуёшнинг тафти ҳам тасдиқлаб турибди. Офтоб уфққа бош қўйиш тараддудида бўлса-да, у даладан дил узгиси келмайди. Қўлидаги соатига қараб эмас, балки кўнглига қулоқ тутиб ишлашга кўниккан қаҳрамонимиз қуёшни хобгоҳига кузатиб бўлсада, даладан чиққиси йўқ. Чунки бу қутлуғ она-замин у киши учун жаннатмакон жой. Шу боис Бешим ака ҳозирга қадар ризқини эгатлардан излаб хато қилмади.

**И.УСМОНОВ.**

*«Ишонч» га жавоб берадилар*

## «ҲАММОМ ҚИДИРИБ ҚАРШИГА»

Газетамизнинг шу йил 4 феврал сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада Касби туманидаги айрим хусусийлаштирилган ва хўжаликларга қарашли ҳаммомлар ишламаётганлиги оқибатида кўпчилик Қарши шаҳрига ёки бошқа жойларга боришга мажбур бўлишаётгани танқид қилинган эди.

Туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Сиддиқовнинг таҳририятимизга маълум қилишича, мақола 8-феврал куни ташкилотлар, хўжалик раҳбарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг оқсоқоллари иштирокида атрофлича муҳокама этилди.

Мақола муҳокама қилинишидан олдин туман ҳокимлиги 9 кишидан иборат комиссия тузиб, жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганиб чиқди.

Бўлиб ўтган йиғилишда ҳаммомларни ишлатишга етарли эътибор бермаганликлари учун «Комилон», «Пахтакор» Х.Хўжақулов номли, «Қашқадарё» ширкат хўжаликлари раҳбарлари (М.Шониев, А.Бобоев, Э.Турсунқулов, К.Ҳайдаров)га ҳайфсан берилди.

Туман марказидаги фуқаро Б.Ражабовга хусусийлаштириб берилган ҳаммом ишламаётгани боис туман Коммунал ҳудудий фойдаланиш бошқармаси тасарруфига ўтказиш масаласи хўжалик судида кўриладиган бўлди.

Айни пайтда мақолада тилга олинган камчиликлар бартараф этилиб, барчаси ишга туширилди.

*Сабоқ*

## «НОРИН»ДА ҚАЧОН ЎЗГАРИШ БЎЛАДИ?

***Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш касаба уюшмаларининг бош вазифасидир. Афсуски ... ҳамма жойда ҳам бунга эришилмаётир.***

***Қишлоқларда кичкинтойларга яратиб берилган шарт-шароит ва бошқа қулайликлар хусусида гап кетаркан, кимдир ўзи яшаётган маҳалладаги боғча ёпилиб қолганлигини куйиниб гапирди.***

- Кўп нарса раҳбарга, унинг ишбилармонлиги ва омилкорлигига боғлиқ, - деди даврада ўтирган Наманган туманидаги «Хонобод» жамоа хўжалигидан келган меҳмон. - Масалан, бизда уч жойда мактабгача тарбия муассасаси жойлашган. Уларда 300 нафар атрофида бола тарбияланади. Қишлоқ марказидаги боғча таъминотини хўжалик ўз зиммасига олган. Сутдан тортиб мева ва сабзавотгача бепул етказиб берилади. Тарбияланувчилар ҳам хўжалик аъзолари фарзандлари. Шу боисдан бу ерда ҳамма нарса бепул. Қолган икки жойдаги боғча гарчанд туман халқ таълими бўлимига қараса-да, кичкинтойлар учун керакли бўлган озиқ-овқат ва мева-чева ҳамда сабзавот маҳсулотлари ярим баҳосида етказиб берилади. Ишлаб чиқаришда ўзини кўрсатганлар, кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг фарзандлари учун маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси қарорига кўра тўланадиган пулнинг ярим баҳоси хўжалик ҳисобидан қопланади.

Бу сўзларни эшитиб, беихтиёр хўжалик фаолиятига қизиқишимиз ортди. Мана, икки-уч йилдирки, шартномага кўра ҳар бир бригада қошида бир гектардан ер бригада томорқаси учун ажратилмоқда. Бу жойда рўзғорбоп экинлар етиштирилмоқда. Натижада тушлик овқатларнинг асосий қисми бепул ёки сарфланган маҳсулотнинг ярим баҳосига тўғри келмоқда. Нисбатан қиммат бўлган маҳсулотлар ҳам асосан хўжалик томонидан қопланмоқда. Масалан, ўтган йилда шу мақсад учун 1 млн. 250 минг сўмлик маблағ сарфланди. Булардан ташқари, касаба уюшма қўмитаси талабига биноан экинларга кимёвий ишлов бериш билан шуғулланадиган ходимлар махсус кийимбош, сут ва сут маҳсулотлари билан бепул таъминланмоқда. Жамоа шартномасига кўра жамоа хўжалиги ҳудудида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалар ва ногиронлар, қаровчисини йўқотганлар алоҳида назорат остига олинган. Уларга сабзавот, боғдорчилик маҳсулотлари бепул ёки имтиёзли нархларда бериб борилади. Чунончи, 1999 йилнинг ўзидагина улар учун 300 минг сўмлик маҳсулот текинга тарқатилди. Қаровчисини йўқотган тўрт кишининг уйи эса хўжалик ҳисобидан таъмирланди.

- Ишловчиларни ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш масаласи ҳам ҳамиша диққат-эътиборимизда, - дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Авазбек Мамадалиев. - Ўтган йилда 20 га яқин сувчи, механизатор ва бошқа ходимларимиз сиҳатгоҳларда бепул дам олдирилди. Меҳнаткашларимизнинг 130 дан зиёд фарзандлари эса болалар ҳордиқ масканларида ёзги таътилларини кўнгилли ўтказдилар. Беморлар ҳолидан хабар олиш, уларга дори-дармондан ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Шунингдек, ёши етганларни иззат-икром билан пенсияга узатиш, турли спорт мусобақаларини уюштириш ҳам касаба уюшма фаолиятининг таркибий қисмини ташкил этади. Умуман, ўтган йилда пахта, сут, гўшт тайёрлаш ва бошқа соҳалар бўйича йиллик топшириқлар ошириб адо этилган экан, бунда меҳнаткашларга яратиб берилган қулай шарт-шароитлар, бошқа қулайликлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди, деб ҳисоблайман.

***

Норин туманидаги «Норин» жамоа хўжалигида бўлсангиз, кўпинча, пахта тайёрлаш режаси бажарилганлигини тилга олишади. Тўғри, режани бажариш катта иш, лекин Юртбошимиз таъбири билан айтганда, фақат шу билангина иш битмайди, ҳамма нарса, ундан келадиган самарага боғлиқ. Бу нарсага биз хўжаликда бўлганимизда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ўша куни Наманган-Ҳаққулобод йўлининг чап четидаги хўжалик идорасида тўхтадик. Ҳовлида турганлардан касаба уюшма қўмитаси хонаси қаердалигини суриштирдик.

- Санаторийга путёвка (йўлланма демоқчи) берадиганни сўрашяпти, Агзамжон Маматовни суриштиришяпти, - деди гурунглашиб турганлардан бири ичкарига имо қилиб.

- Ўша ёқдагилардан сўранг, топиб беришади.

Вақт чошгоҳдан ошаётганига қарамасдан биронта хонада одам кўринмасди.

Вақтни бекор ўтказмаслик учун туманга қараб йўл олдик. Ҳақиқатан, туман тармоқ қўмитасида шу куни жамоа шартномасига алоқадор мавзуда мажлис режалаштирилган экан.

Орадан икки соатлар чамаси ўтгач Агзамжон билан тумандан қайтарканмиз, суҳбат давомида унинг касаба уюшмага оид анча нарсалардан бехабарлигини пайқадик.

Мана, касаба уюшма қўмитаси хонасида эмас, балки ҳисобхонада фикр олишяпмиз. Мен биринчи навбатда бундан икки йил илгари Президентимизнинг вилоятга ташрифи чоғида шу қишлоқда тўхтаганлигини, одамлар билан суҳбатда бўлганлигини эсладим ўшанда. Ислом Абдуғаниевич бу ерда янги иш жойлари яратиш, одамларни ижтимоий ҳимоялаш борасида камчиликлар кўплиги юзасидан қатор танқидий фикрлар айтганлигини эслатдим ва шу хусусда касаба уюшма қўмитаси қандай хулоса чиқарганлигини, шунга оид тегишли тадбир тузилган - тузилмаганлигини, мўлжалланган вазифалар қандай бажарилаётганлигини суриштирдим.

- Тадбир тузганмиз, - деди қўмита раиси.

- Мумкин бўлса, таништирсангиз?

- Афсус, пўлат қути калити уйда қолганди-я...

Қўмитанинг йиллик иш режаси ва жамоа шартномаси матнини кўрсатиш бўйича илтимосларимиз ҳам жавобсиз қолди.

Агзамжоннинг айтишича, хўжалик ҳудудидаги мавжуд 5 қишлоқда 22 минг нафарга яқин киши истиқомат қилади. Кам деганда уларнинг учдан бир қисми ишга яроқли. Тўғри, кўплар туман ва вилоят марказларига қатнаб ёки бошқа бирон жойларда ишлаб ўз ризқини териб ейди, оиласини тебратмоқда. Барибир қадимдан «Норинкапа» номи билан машҳур бўлиб келган кичикроқ шаҳарга тенглашадиган қишлоқда янги иш жойларини яратиш борасида дурустроқ иш қилинмаяпти. Кейинги икки йил ичида маиший хизмат кўрсатиш тармоғи ташкил этилиб у ерда йигирмадан сал ортиқ хотин-қиз ишга жойлашди, холос. Карнай-сурнай чалиниб эълон қилинган лимонад цехи қурилиши ярим йўлда тўхтаб қолган. Булар на хўжалик касаба уюшма қўмитасини ва на туман тармоқ касаба уюшма қўмитасини қизиқтирмайди.

Ишловчиларни соғломлаштириш, турмуш маданиятини кўтариш бўйича аҳвол ҳам талаб даражасида эмас. Ўтган йил давомида 1820 нафар касаба уюшма аъзоси ишлаётган жойда атиги 15 кишигина сиҳатгоҳларда бўлганлигини қандай баҳолаш мумкин. Хўжалик қишлоқларида тоза ичимлик суви тармоқлари ишламаётганлиги, мавжуд хонадонларнинг эндигина атиги чорак қисмига газ тармоқлари етиб борганлиги ҳам юқоридаги фикримиз далили эмасми! Агзамжон Маматовнинг изоҳ беришича, қишлоқ ҳудудида булоқлар сероб эмиш. Шу ҳам бахона бўлди-ю... Аслида қўмитанинг тушумлар ва ижтимоий суғурта маблағларини йиғиш юзасидан фаолияти ҳам етарли даражада эмас. 1999 йил бўйича тушумлардан 205 минг сўм, ижтимоий суғуртадан эса 305 минг сўм қарзи сақланиб келмоқда. Қолаверса, касаба уюшма қўмитаси қаерда жойлашганлигини кўплар билмайди. Бу аҳволда «Норин»да қачон ўзгариш бўлади?

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# МЕҲНАТ ЯРМАРКАЛАРИ

## ёрдамида кўплаб аёллар ишга жойлашдилар

Енгил, мебель саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилояти қўмитасига қарашли корхона ва ташкилотлар ўтган йилни ҳар жиҳатдан намунали якунлашга эришдилар. Ўнлаб меҳнат жамоалари белгиланган режа-топшириқларни муддатидан илгари уддасидан чиқдилар.

Йил давомида ишчи-хизматчиларга қўшимча енгилликлар, қулайликлар яратишга ҳаракат қилинганлиги, маъмурият ва касаба уюшмаси ўртасида қабул қилинган жамоа шартномаси ижросини изчил таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар изсиз кетмади. Масалан, «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятининг 1-йигирув-тўқув фабрикаси ҳузурида хотин-қизларни соғломлаштиришга қаратилган махсус кундузги бўлим ташкил этилди. Унда ҳар ойда 40 нафар кам қонли ҳомиладор аёллар соғломлаштирилди. Корхонага қарашли профилакторийда эса ёш болали аёлларни саломатликларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, «Бухоро ипаги» ҳиссадорлик жамияти, «Сувоқава», «Иссиқлик манбаи», «Вилоятгаз» ишлаб чиқариш бошқармалари, «Зардўз», «Гўзал», «Нигора», «Нақшбандий» каби илғор жамоалар ҳам бу борада кўп ишларни амалга оширишди.

Кам таъминланган, кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилганди. Уларга йил давомида касабақўм ва корхона маъмуриятлари томонидан ёрдам уюштирилди. Биргина «Бухоротекс» меҳнат жамоасида мустақиллик байрами муносабати билан серфарзанд 471 та оилаларга 1300 минг сўмлик совғалар улашилди. «Бухоро ипаги» ҳиссадорлик жамияти уюштирган совға-саломлар 516 минг сўм, моддий ёрдам салмоғи эса 161 минг сўмга етказилди.

Енгил саноат корхоналарида янги иш ўринларини ташкил этиш борасида ҳам жиддий силжишлар кўзга ташланди. Йил давомида барча туман ва шаҳарларда меҳнат ярмаркалари ташкил этилди. Бунда касаба уюшма фаоллари ва меҳнат бўлимларининг етакчи мутахассислари ташаббускор бўлдилар. Биргина Бухоро шаҳрида юзлаб хотин-қизлар ишга жойлаштирилди. 80 нафар аёллар турли корхоналарга ишга қабул қилинди.

Тармоқда хотин-қизларга етарлича маданий-маиший шароитлар яратиш, уларнинг ишдан сўнг мазмунли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш, аёллар орасида спорт-соғломлаштириш тадбирларини янада жонлантириш масалаларига эътибор қаратилди. Хусусан, «Ўзбекистон — Ватаним маним» шиори остида бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг кўрик-танлови ўтказиб турилибди. Унда янги-янги иқтидорли ёшлар фаол иштирок этишмоқда.

13 корхона ва ташкилотлар хотин-қизлари ўртасида ўтказилган «Аёллар спартакиадаси»да 140 нафар спортчилар иштирок этишди.

Тармоқда «Соғлом авлод йили»да ҳам аёлларга эътиборни кучайтириш мўлжалланмоқда. Жойларда турли маросимлар, сайллар ўтказиш, касб байрами муносабати билан учрашув ва кечалар ташкил этиш ва бошқа тадбирлар шулар жумласидандир.

**Н.УСМОНОВ.**

**Кувасойдаги «Кварц» ҳиссадорлик жамияти ойна ва шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ҳозир бу ерда 34 турдаги турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, мамлакатимиздаги корхоналарга етказиб берилмоқда.**

**Корхона жамоаси ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар мамлакатимиз иқтисодиёти учун ниҳоятда зарур эканлигини доимо ҳис этишади. Шу боис ҳам сифатли, ҳам унумли ишлашга ҳаракат қиладилар.**



***Суратда:* Маҳсулот сифатини белгилаш цехи устаси Дилоромхон Одинаева.**

**Бахтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

*Техника хавфсизлигига риоя қилинмаган жойда*

***Уч киши оламдан кўз юмди... Шу сабаб корхонага қанча комиссиялар келиб кетмади. Бироқ энди минг бор афсус қилган билан фойдаси йўқ. Аччиқ сабоқдан ҳамма тегишли хулоса чиқариши керак.***

# КЕЧИРИЛМАС ХАТО

Пахтакор тумани «Сувоқава» корхонаси маъмуриятининг буйруғига биноан 1-оқава-сув узатиш иншоотида таъмирлаш ишлари бошланди. Таъмирлаш лозим бўлган механизм усти очилгач, ногаҳон у ердан оқава-сув билан бир қаторда тармоқда йиғилиб қолган газ ҳам чиқа бошлади. Бригада аъзолари ҳидни сездилар-у, лекин қудуқдан улгуриб чиқиша олишмади. Туман ёнғинга қарши кураш жамияти ходимлари томонидан қутқарилиб зудлик билан шифохонага етказилди. Уста Александр Баталов, машинистлар Руслан Кадачиков, Бунёд Худоёровлар ўзларига келмай ҳаётдан кўз юмдилар.

Тўғри, «Сувоқава» вилоят бошқармаси, «Пахтакор» тумани бўлинмаси раҳбарлари жабрланган ва оламдан кўз юмган ходимларнинг уйларига бориб таъзия билдирдилар, таъзия учун лозим бўлган моддий ёрдам кўрсатдилар. Лекин бу таъзия етим болалар кўз ёши, ота-она армонига даво бўлармикин? Оилалар оила бошлиғидан, ота-она орзу-умидлари, олам-жаҳонлари - фарзандларидан жудо бўлдилар.

Агар корхонада техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинганда, инсон ҳақида чинакамига ғамхўрлик бўлганида уч инсон умри хазон бўлмасди. Мазкур иншоотда мажбурий ҳаво алмаштириш тизими яратилмаган. Тушиб чиқиш нарвонлари техника хавфсизлиги талаблари асосида қурилмаган. Энг ачинарлиси шундаки, «Сувоқава» корхонаси раҳбарияти бу ишларга совуққонлик билан қараган.

Ўша куни таъмирлаш технологиясига риоя қилинмаган, шунингдек, ёзма равишда йўриқнома берилмаган. Масъулиятсизлик шу даражага борганки, ишчилар махсус кийим-бош, ҳимоя воситаларисиз ишга юборилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бахтсиз воқеа содир бўлгач, қанча-қанча комиссиялар келиб кетди, қанча текширувлар бўлди. «Сувоқава» бошқармаси қарори билан бахтсиз воқеа содир бўлганлар оиласига нафақа пуллари ажратилди.

Улар фарзандларига 16 ёшга тўлгунга қадар ёки ўқув юртининг кундузги бўлимларида ўқийдиган бўлсалар 18 ёшга тўлганларигача нафақа тўлашга қарор қилинди.

Корхона маъмурияти техника хавфсизлигига харажатдан бир неча минг сўм тежайман деб энди неча юз минглаб сўмдан ажраб қолди. Ножўя иш - келтирар ташвиш, деб шунга айтсалар керак-да.

**Будир ПЎЛАТОВ.**

*Ҳукм ўқилди*

# «ҲОТАМТОЙ» КЎРГИЛИГИ

Мамир Йўлдошев «Жиззахйўлқурилиш» бошқармасига қарашли 5-сонли автоулов корхонасига 1996 йил июлида бошлиқ бўлиб келди-ю, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, корхона ҳисобидан ҳотамтойлик қила бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишда корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талабларига зид равишда шартнома тузган корхона ташкилотлардан 15 фоизлик тўловни олмасдан туриб, уларга автоулов воситалари бериб, корхонада 4515 минг сўмлик дебиторлик қарзининг юзага келишига сабабчи бўлди.

Раҳбарнинг бу «фаолияти» корхона бош муҳандиси Файзиқул Шермонов билан бош ҳисобчи Холида Тошметоваларга ҳам ёқиб тушди, шекилли, мийиғида кулиб қўя қолишди.

Қарзларни ўз вақтида ундириш чораларини кўрмаслик оқибатида корхона иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолди.

Изоҳлар ҳам ғалати. Эмишки, фоизлик тўловни олмасдан туриб, хизмат кўрсатиш юқори ташкилот саналмиш «Жиззахйўлқурилиш» бошқармасидан келган телефонограммалар, маҳаллий ҳокимият фармойишларини бажармасликнинг иложи бўлмаган. Жами дебиторлик қарзининг 2723 минг сўми мазкур тизим корхоналарига кўрсатилган хизмат эвазига, 1722 минг сўми эса бошқа тизим корхоналари ҳисобига ёзиб қўйилганлиги ҳам гўё бу фикрни тасдиқлагандек.

Ачинарлиси шундаки, автоулов хизмат кўрсатишни назорат этиш, дебиторлик қарзларини ундириш вазифаларига масъул бўлган корхона бош муҳандиси Ф.Шермонов, бош ҳисобчи Х.Тошметовалар ҳеч бир чора-тадбир кўрмаганлар.

Суд мазкур иш бўйича кўрсатилган дебитор қарзларнинг ундирилганлиги муносабати билан зарарни қопланган деб эътироф этишни лозим топди.

Жамоа мулкига ҳотамтойлик қилган учала масъул шахс қонуний жазога тортилдилар. Шу ўринда ўйлаб қоласан, киши: масъул мансабдор шахсларнинг мансабини суиистеъмол қилиши, мансаб ваколатига совуққонлик билан қараши корхонага кўп миқдорда моддий зарар етказди. Бу ҳол бир томондан жамоа аъзоларининг ойлик маошларини ўз вақтида берилишини издан чиқарган бўлса, иккинчидан, корхонани иқтисодий заифлаштирди.

**Б.КАРИМОВ, Жиззах шаҳар судининг судьяси.**
**А.АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.**

# ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЭКСПОРТ

Тошкентда мамлакатимиз тўқимачилик саноати корхоналари раҳбар ва мутахассислари учун Германия техник ҳамкорлик жамиятининг /ГТЦ/ «Экспортни ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳаси доирасида ташкил этилган бир ҳафталик семинар бошланди.

Семинарда республикамиздаги 20 дан ортиқ тўқимачилик корхонасининг 50 га яқин вакили Европа бозорларига кириб боришнинг муҳим шартлари ва маркетинг асослари билан танишади. Тадбирнинг бош мақсади эса экспорт салоҳиятига эга бўлган корхоналар раҳбарларининг Европа тўқимачилик маҳсулотлари бозори ҳақидаги билимларини оширишдан иборат. Германиялик экспертлар семинар қатнашчиларига Европа Иттифоқи мамлакатларида иш юритишнинг ўзига хос томонлари ва шартлари, тўқимачилик соҳасида ишончли ҳамкорларни топиш йўллари борасида маслаҳатлар беради. Семинар мобайнида экспорт салоҳияти юқори деб топилган корхоналар Германиянинг Кёльн шаҳрида ўтказиладиган «Интержинс» халқаро кўргазмасида қатнашиш имкониятига эга бўлади.

**/ЎзА/**

*Андижон хабарлари*

# ТОННА-ТОННА ПАРҲЕЗ ГЎШТ

Андижон вилоятининг Хонобод шаҳрида «Хонобод парранда» ҳиссадорлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. Корхона ўтган йили 780 тонна парҳез гўшт етиштирди. Аҳолига 240 миллион сўмлик маҳсулот сотилди.

Исроил давлатининг жаҳонга машҳур «Мад» фирмаси билан иқтисодий ҳамкорлик ўрнатилгани корхона ишида катта ижобий рол ўйнади. Фирма ёрдамида Исроилдан 2 миллион 11 минг сўмлик янги жиҳозлар, шунингдек наслли курка тухумлари, биологик моддаларга бой озуқалар келтирилди.

Ҳозир ҳиссадорлик жамияти аъзолари курка боқиш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда ўша «Мад» фирмасидан қолишмаяптилар.

# ГУЛЛАР ЎЛКАСИ

Вилоят жамоатчилиги бу йил Наврўзи олам тантаналарини «Андижонни гуллар вилоятига айлантирайлик» шиори остидаги кенг кўламли кўрик-танлов доирасида ўтказишга қарор қилди.

Ҳозир шаҳар ва туманларда, маҳалла ва хўжаликларда ободонлаштириш, тозалик ва кўкаламзорлаштириш юзасидан тадбирлар белгиланиб, тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Вилоятда 1 февралдан 1 мартгача ҳамма жойда тозалик ва ободончилик ойлиги эълон қилинди. Кўрик-танловда эса, ҳар бир хонадон, маҳалла ва қишлоқ иштирок этади.

**М.АБДУКАРИМОВ.**

Шаҳрисабз туманидаги Ғани Бобоёров номли ширкат хўжалигида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона фаолият олиб боради, дейилса яқин-яқинларгача ҳам ҳеч ким ишонмасди. Лекин мустақиллик туфайли бу ерда «Интернейшел» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси қурилиб иш бошлади. Уни ташкил этишда Ўзбекистон томонидан Сўғдиёна агроқурилиш жамияти, Америка томонидан эса Ўрта Осиёда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Америка жамғармаси бош-қош бўлди. Ҳозир бу ерда кунига 2-2,5 тонна мой ишлаб чиқарилмоқда.



***Суратда:* қўшма корхона бригада бошлиғи Содиқ Норов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# «ҒАЙРАТ»ЛИ ТАДБИРКОР

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тадбиркорлар ва ишбилармонлар учун том маънода кенг йўл очилди. Тўрткўл туманидаги «Жанубийқорақалпоқсувқурилиш» трестининг 29-кўчма механизациялаштирилган жамланмаси муҳандиси Фарид Муродов ҳам «Ғайрат» деб номланган кичик корхона очиб, ерларни текислаш ва мелиорация, ирригация ишлари билан шуғуллана бошлади. Банкдан имтиёзли кредит олиб, зарур техника харид қилгани қўл келди. Ҳозир кичик корхонада 5 та бульдозер, 6 та экскаватор, 3 та қудратли К-700 трактори, 6 та автомашина бор.

Энг муҳими, 35 кишилик аҳил жамоа вужудга келди. Унинг ғайрати билан ўтган йили «Учқудуқ-Қоратоғ» темир йўли «Намуна» қисмининг 8 километрлик босқичида тупроқ кўтариш ишлари амалга оширилди. Йил бўйи эса 60 миллион сўмлик иш бажарилди. «Ғайрат»да ҳар бир ишловчининг ўрни белгили. Интизом ғоят мустаҳкам. Шу боис, иш ҳақи ҳам нисбатан анча юқори.

*Ижтимоий ҳимоя*

# ЎНГЛАНИШ

## хориж сармоясини жалб этиш қолоқ корхонани оёққа қўйди

***Ўтган йилнинг май ойида «Андижонгўштсутсаноат» бирлашмаси тасарруфидаги «Шаҳрихонсут» ҳиссадорлик жамияти раҳбари ишдан олинди. Корхонада узоқ йиллардан буён меҳнат қилиб, ишлаб чиқаришнинг ҳадисини олган Исоқжон Мирзаев жамият раиси этиб сайланди.***

«Хўш ишни нимадан бошлаш керак?», янги раҳбарнинг хаёлига келган биринчи савол шу бўлди. Сабаби, бир маҳаллар довруғи бутун мамлакатга ёйилган корхона кейинги йилларда оқсаб қолган, меҳнат жамоасидаги муҳит анчайин дарз кетган эди. Бу ҳол ўз навбатида маҳсулот етказиб берувчилар билан қайта ишловчилар ўртасидаги ҳамкорликка путур етказди. Корхонада кунлик сут қабул қилиш миқдори ой сайин озайиб борди.

Раис биринчи навбатда маҳсулот етказиб берувчилар билан алоқани яхшилашга, аҳолидан сут қабул қилиб олувчи комиссион харид тизимини такомиллаштиришга ҳаракат қилди. Ишловчиларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини имкон қадар ўнглаш, иш ҳақларини вақтида бериб бориш чораларини кўрди.

Елиб-югуришлар зое кетмади. Корхона билан ҳамкорлик қилувчилар сони тобора кўпая борди. Қабул қилинаётган сут миқдорига мос равишда ишлаб чиқариш ҳажми ҳам орта бошлади. Маҳсулот сифати тубдан яхшиланди. Энг муҳими ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошди. Мижозлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар тартибга тушди. Корхонанинг хўжаликлардан бўлган қарзи узилиб, топшириладиган хом-ашё учун олдиндан тўлов йўлга қўйилди.

Бугунга келиб «Шаҳрихонсут»нинг маҳсулот топширувчи хўжаликларда 8 миллион сўмдан ортиқ ҳақи борлиги ҳиссадорлик жамиятининг молиявий аҳволида сезиларли ўзгариш бўлганлигидан далолатдир.

Корхона раҳбарияти ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, янги технологияларни ўзлаштириш, хорижий сармояларни ишлаб чиқаришга жалб этиш борасида ҳам тинимсиз изланмоқда. Айни кунларда бу ердаги мавжуд музқаймоқ цехига тошкентлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда янги замонавий линия қўйилмоқда. У жорий йилнинг 1 апрелида ишга туширилади. Маҳаллий аҳолига қулайлик яратиш мақсадида корхона ҳудудига соатига 3 тонна буғдойни унга айлантириб берувчи Хитой тегирмони ўрнатилиб, ишга туширилди.

Москвадаги масъулияти чекланган «Агробет» фирмаси билан корхонада қайнатилган сут ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида шартнома тузишга эришилди.

Корхонада йил якуни янада қувончли бўлди. Соф фойда 10 миллион 300 минг сўмни, ишловчиларнинг ўртача ойлик маоши 10 минг сўмни ташкил этди. Айни кунларда меҳнаткашлар ойлик маошларининг 3 баробари миқдорида /соф фойда ҳисобидан/ 13-ойликларини олмоқдалар.

— Корхонамиз даромадининг кўпайиб бориши ишчи-хизматчиларимизнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳимоялаш борасидаги имкониятларини кенгайтирмоқда, — дейди жамият касаба уюшма қўмитасининг раиси Муҳаббатхон Умарова. — Ходимларимиз ҳар ойда маъмурият томонидан 1 қопдан ун, 15-20 кг.дан гуруч, 1 кг.дан сариёғ каби маҳсулотлар билан таъминлаб борилмоқда.

Бундан ташқари тўй ва дафн маросимларида ҳам ишловчилар корхона ҳисобидан ун ва гуруч билан таъминланадилар. Ўтган йилнинг ўзида шундай мақсадлар учун жами 163 минг сўм маблағ сарфланди. Йил давомида зарарли ишда банд бўлганларга 104 минг сўмлик сут маҳсулотлари текинга берилди. Ишлаб чиқариш илғорлари маъмурият ва касабақўм томонидан мунтазам равишда моддий ва маънавий рағбатлантириб келинмоқда.

Оилавий шароити оғир деб топилган ишчи Муҳаббат Қосимовага корхона ҳисобидан 4 хонали уй қуриб берилди. Бундан ташқари, йил давомида Шаҳрихон шаҳрини ободонлаштириш, футболни ривожлантириш, шунингдек, тумандаги турли жамғармаларни қўллаб-қувватлаш мақсадларига 400 минг сўмдан зиёд маблағ ўтказилди.

— 2000 йил юртбошимиз томонидан «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши бизни беҳад қувонтирди,—дейди касабақўм раиси сўзида давом этиб. — Биз жорий йил учун маъмурият билан имзолаган жамоа шартномасида буни алоҳида эътиборга олдик. Насиб қилса, бу йил биз ўзимизнинг бор ички имкониятларимизни ишга солиб, ишчи-хизматчиларимиз фарзандларининг соғлом ўсишлари, ёзги таътилларини мароқли ўтказишлари учун ҳаркат қиламиз.

Исоқжон аканинг раҳбарлик курсисига ўтирганига ҳали бир йил бўлгани йўқ. Бироқ корхонада ўрганса арзигулик ишлар амалга оширилди. Иш мароми ўзгарди. Ишловчиларнинг даромади кўпайди, уларнинг меҳнатга бўлган иштиёқи кучайди. Жамоадаги муҳит соғломлашди. Энг муҳими, корхонада шикоятбозлик ўз-ўзидан барҳам топди.

Демак, жамоада кўп нарса раҳбарга боғлиқ. Беихтиёр Президентимизнинг Олий Мажлис биринчи сессияси иккинчи йиғилишида сўзлаган нутқи хотирада тикланади: «Халқимиз ўзини раҳбар деб биладиган одам, аввало, инсонни яхши кўриши, инсонни ардоқлашини хоҳлайди. Одамларнинг ғам-ташвишларини юрагидан ўтказиб, уларнинг дардига дармон бўлмоғини орзу қилади».

...Иймон-эътиқоди мустаҳкам, иродаси бақувват, ор-номусли, ҳаром-хариш ишлардан ҳазар қиладиган, изланувчан, ташаббускор, тадбиркорлик фазилатига эга бўлишини, талабчан ва қатъиятли бўлишини истайди.

Илоҳим, «Шаҳрихонсут» жамоасининг ҳақиқий раҳбарга ёлчигани рост бўлсин.

**Шукрулло НЕЪМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

# ҚАРИНДОШГА ҚИЗ БЕРМАНГ

***Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан соғлом авлодни тарбиялаш, маънавий бой, ахлоқан етук, ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантириш борасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда. «Соғлом авлод» дастури ҳам фикримизнинг далилидир.***

***Қуйида турли соҳа кишилари юқоридаги мақсад-интилишларга эришиш борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳаётий мисолларда кўрсатиб ўтилади.***

***

**Озода ИСКАНДАРОВА,**
**ҳамшира,**
**Нукус шаҳри.**

***

Ҳар бир инсон бахтли бўлишга интилади. Бахт бу аввало соғлиқ-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, фарзандлар камолидир. Ҳаётий тажрибамдан биламанки, фарзанди ногирон она жуда кам кулади. Унинг фикри-ёди ҳаёт гули, умр меваси бўлмиш зурриётида. Қани энди унинг чеҳрасида табассум кўрса, дарддан фориғ бўлиб шўх кулгилари билан хонадонни чароғон айласа - онаизордан бахтлиси йўқ, бу дунёда.

Аслида фарзанднинг нуқсонли бўлиб туғилишига кўп ўринларда ўзимиз сабабчи бўламиз. Тан олиш керак, биз узоқ вақт динимизнигина эмас, балки урф-одатларимизни, қадриятларимизни унута бордик. Қариндош-уруғчиликда қиз бериб, қиз олиш мумкин эмаслигини унутдик. Оқибатда кўплаб оилалар бузилиб кетмоқда, нуқсонли ва касалманд фарзандлар дунёга келмоқда. Врач неонатолог Шоҳида Турдиеванинг «Ишонч» газетасида чоп этилган «Қариндошга қиз берманг» сарлавҳали мақоласида ҳам бу борада ғоят қимматли фикрлар илгари сурилган. Ёшлар оила қуришдан аввал юқоридаги омиллар ҳақида алоҳида бош қотиришлари лозим. Қариндош-уруғчилик асосида юзага келган оилада дунёга келган фарзандда туғма бирламчи иммунитет етишмаслиги ҳасталиги учрайди. Уларда касалликлар ғоят оғир, асоратли кечади. Бу кейинги фарзандларда ҳам кузатилиши мумкин. Яқин қариндошлик гўдакларнинг заиф, ногирон бўлиб туғилишларига сабабчи бўлмоқда.

Икки маданиятли, обрў оила фарзандлари турмуш қуришга аҳду паймон қилишди. Бироқ биз - шифокорлар қариндош-уруғчилик асосидаги оила аъзолари фарзанд доғида қолишлари мумкинлигини қайта-қайта таъкидладик. Ёшлар ўз билганларидан қолишмади. Уч йилдан сўнг дунёга келган чақалоқ реанимация бўлимида зўрға ўзига келтирилди. Бироқ у касал бўлавериб ота-онани, оила аъзоларини қийнаб юборди. Тўртинчи йили оламдан кўз юмди. Ҳамма ҳавас қилган хонадондан файз кўтарилди, жанжал ўчоғига айланди. Бора-бора ёшлар ажралиб кетишди. Бундай мисолларни яна келтиришим мумкин. Шу боис, қатъий қилиб таъкидлайман: қариндошга қиз берманг. Сўнгги пушаймондан ҳеч кимга фойда йўқ.

***

**Зоҳиджон**
**ОРТИҚХЎЖАЕВ,**
**Тошкент тумани.**

***

Муқаддас Қуръони Каримнинг 23-оят «Ан-Нисо» сурасида қариндошчилик асосида оила қуриш Аллоҳ таоло томонидан ман қилинганлиги ҳақида марҳамат қилинган. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, табобат оламида тасдиқланган бир нарса бор. Яъни, агар яқин қариндошлар орасида ўзаро турмуш қурилганда хотин ва эрнинг қонидаги ДНК коди бир-бирига жуда ўхшаш бўлганлиги сабабли туғилажак фарзанд қонида авлодларда бўлган, лекин ташқи кўринишида намоён бўлмаган касалликлар юзага келади. Айниқса аёл кишининг ўзи ҳам тез-тез касалликка чалиниши мумкин. Оқибатда у тез-тез такрорланадиган бола ташлаш ҳолларига дучор бўлиши мумкин.

Соғлом авлод - миллатимиз келажаги. Бунинг масъулиятини ҳеч биримиз унутмаслигимиз керак.

# СОҒЛОМ АВЛОД - МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ





## АЛОҚАЧИЛАР ТАШАББУСИ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси «Соғлом авлод йили» муносабати билан ибратли ташаббус билан чиқдилар. Улар махсус дастур ишлаб чиқиш билан кифояланиб қолмай, уни дарҳол амалга оширишга ҳам киришдилар.

Хусусан, Тошкент шаҳар онкологик касалликлар диспансеридаги беморлар шароитини имкон қадар яхшилаш мақсадида уларни эҳтиёж сезаётган анжомлар, кийим-кечаклар билан таъминлаш лозим деб топилди. Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси томонидан касалхона шароитида, нималар зарурлиги аниқланди.

-Инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибатни кучайтириш, ҳамжиҳатликни қарор топтиришда уларнинг ҳолидан хабар олиш, айниқса меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кўп болали ва ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш асосий омиллардан биридир, - деди Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори Фатхулла Абдуллаев. - Бу тадбирларни жорий йилда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ, уюшқоқлик билан, кўтаринки кайфиятда ўтказиш ва бу ишларга масъулият билан ёндашишимиз зарур.

Диспансерга «Маҳаллий Телеком» Акционерлик компанияси томонидан 8 та болалар стол-стул жамланмаси, поёндоз-гиламлар, Шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан 3 та рангли телевизор, Тошкент шаҳар телефон тармоғи акциядорлик жамоаси томонидан яна кўплаб бошқа жиҳозлар, шунингдек, Тошкент телеграф-телефон станцияси ҳамда Тошкент халқаро электралоқа маркази томонидан 300 минг сўмлик кийим-бош ҳадя қилинди.

- Ушбу совғаларимиз шароитингизни оз бўлса-да яхшилашга хизмат қилса, ўзимизни бахтиёр деб билдамиз, - деди Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Тохир Назаржонов. - Зеро мухтожларни қўллаб-қувватлаш касаба уюшмаларининг биринчи навбатдаги муҳим бурчи ва вазифасидир.

Тадбирда «Маҳаллий Телеком» Акциядорлик компанияси Бош директори Абдувохид Жўрабоев, Тошкент телеграф-телефон станцияси бошлиғи Марат Зоҳидов, Тошкент халқаро электралоқа маркази бошлиғи Бахтиёр Рустамов, Шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Турсунбой Орозбоевлар иштирок этиб, соғлом авлодни шакллантириш алоқачиларнинг ҳам асосий вазифалари эканлигини таъкидладилар.

Хайрия йиғилишида касалхона бош шифокори Эркин Жўраев тадбир ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигини изҳор этди. Шунингдек, тадбирда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий Қўмитаси, алоқа корхоналари вакиллари иштирок этишди.

«Электротехника алоқа» олийгоҳининг бадиий ҳаваскорлик жамоаси ажойиб концерт дастурини намойиш этди.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ИШЧИ ГУРУҲЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Нукусда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод» давлат дастури тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар мазкур кенг қамровли дастурда ҳар томонлама етук, жисмонан соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш билан боғлиқ тадбирларнинг бутун бир мажмуи белгиланганлигини, соғлом авлод соғлом оилада шаклланиши, бола тарбиясида оила, мактаб, маҳалла етакчи ўринга эга эканига эътибор қаратилганлигини таъкидладилар. Бу борада биринчи галда соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маданият соҳалари ходимлари фаоллик билан иш олиб бориши, бола тарбияси билан шуғулланувчи барча давлат ва нодавлат ташкилотлари ташаббускорлик кўрсатиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда «Соғлом авлод» давлат дастурини ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадида Президентимиз томонидан белгилаб берилган олти йўналишда фаолият кўрсатувчи ишчи гуруҳлар ташкил этилди.

**А.ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

# НИКОҲ ҚАНДАЙ ТУЗИЛАДИ?

***Ҳурматли таҳририят! Ўзбекистон Республикаси Оила Кодекси ҳақида маълумот беришингизни сўраймиз.***

**О.ЭРМЕТОВА,**
**тадбиркор.**
**С.ДАВЛЕТОВА**
**шифокор.**
**Р.АЛЛАҚУЛОВА,**
**уй бекаси.**

Оила - жамиятнинг негизидир. У турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади. У ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий томирига эга бўлиб, бу гўшада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади.

Республикамизнинг қонунлари доирасига энг асосий ва мураккаб ҳисобланувчи, айни вақтда инсонларнинг яшашлари учун зарур омил ва ҳаёт учун амалий дастур бўлган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси мамлакатимизнинг юқори вакиллик органи бўлган Олий Мажлис томонидан 1998 йили тасдиқланди.

Оила кодекси қабул қилиниб кучга кирганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли Ўзбекистон Республикаси Оила кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори эълон қилинди.

Жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини амалга киритиш тўғрисида» 1998 йил 30 апрелдаги 1-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қуйидагиларни қарор қилган эди.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари 1-иловага мувофиқ:

Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ:

Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ тасдиқланди.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу қоида ўз ичига Никоҳ бўлимини ҳам қамраб олиб, унинг 5-бўлими Никоҳни қайд этиш деб аталади. Унда никоҳни қайд этиш тартиби, муддати ва жойи ҳақида алоҳида тўхталади. Шу ўринда кодекснинг II-бўлимидаги Никоҳ масалалари хусусида сўз юритмоқчимиз.

Янги Оила кодекси собиқ советлар даврида Ўзбекистонда қабул қилинган Никоҳ ва Оила тўғрисидаги қонунчиликдан кескин фарқ қилади. Бу фарқ бевосита Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллигига эришуви билан, мамлакатимизда миллий қадриятлар ва башариятнинг бебаҳо маданий меросларии узвий боғлиқлиги билан, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилиши, қолаверса миллий ҳуқуқ тизимининг яратилиши билан уйғунлашади.

Хўш, Никоҳ нима, у ўзида нималарни мужассамлаштиради?

Никоҳ икки жинсдаги шахсларнинг оилавий муносабатларда аҳдлашувидир. Никоҳ ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

никоҳ тузиш тартибини ва унинг ихтиёрийлигини, никоҳ ёшини, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларни ва ниҳоят никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтказилишини назарда тутади. Бу эса инсонларнинг никоҳни тўғри ва қонуний қилиб тузишлари учун асос бўлади.

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органида тузилади, яъни никоҳга кирувчи шахслар ариза билан мурожаат этганларидан бир ойдан сўнг шахсан уларнинг иштирокида никоҳ қайд қилинади.

Никоҳ ёши асосан аёллар учун 17 ёш, эркаклар учун эса 18 ёш ҳисобланади. ФҲДҚЭ органи никоҳга кирувчи шахсларнинг аризаларини ўрганиб чиқиб, уларга никоҳ тузишлари учун бир ой синов муддати беради. Аксарият ҳолларда никоҳ ёши бир ёшга қисқартирилиши мумкин. Масалан, аёл ҳомиладор бўлса, фарзанд туғилса ва шу каби ҳолатлар юз берсагина никоҳ ёши қисқартирилиши мумкин. Бундай ҳолатда никоҳга кирувчи шахслар ариза ва тегишли ҳужжатлар билан жойлардаги туман, шаҳар ҳокимлигига мурожаат қилишлари лозим.

Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

никоҳдан ўтувчилардан биттаси рўйхатга олинган бўлсада яна бир бошқа никоҳга кирмоқчи бўлса;

никоҳ тузувчиларнинг бирининг руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл қўйилмайди.

Ўзбекистонда ҳар бир фуқаро ягона никоҳда бўлиши керак. Бундай қоида жамият тараққиётининг ҳозирги босқичдаги никоҳ - оила муносабатлари талабларига жавоб беради. Республикамизда кўп хотинлик бўлиш яъни умумий рўзғор асосида икки ёки ундан ортиқ хотин билан яшаш қонунан таъқиқланади.

Насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузиш тўғри келмайдиган иш ман қилинади. Бунинг асосий сабабларидан бири, қариндош-уруғлардан аксарият ҳолларда ногирон фарзандлар туғилади. Биологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, никоҳ қанчалик бегона шахслар билан тузилса, авлод шунчалик соғлом бўлади. Ҳозирги ривожланган тиббиёт соҳасида олиб бораётган илмий-амалий тадқиқотлар ҳам бу ҳақда ўз исботини бермоқда. Ҳар бир фуқаро никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларга тўла-тўкис риоя қилса ва оила қурса, унинг келажаги порлоқ бўлади.

Суд томонидан ақли заиф, муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар билан ҳам никоҳ қайд қилинмайди. Чунки бундай шахслар ўзларининг ҳатти-ҳаракатларига тўлиқ жавоб бера олмайдилар.

Аксарият ҳолларда никоҳга кирувчилардан бири руҳан носоғлом бўлиши мумкин. Бундай вақтда никоҳни қайд қилувчи орган никоҳланувчи шахсларнинг муомалага лаёқатли эканликларини билганларидан сўнг уларга никоҳни тузишлари учун рухсат беради. Шахснинг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ФҲДҚЭ органига ариза топширилганидан сўнг, никоҳни қайд қилиш муддатигача юз берган бўлса ҳам никоҳга ўтишга монелик қилади.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек тиббий-ирсий масалалари бўйича маслаҳат бериш никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади.

Никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ва одам иммунитети тақчиллиги вируси борлигини бошқасидан яширган бўлса, шу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг афзаллик томонлари шундан иборатки, никоҳга кирувчи шахсларнинг соғлиғи хусусида бир-бирларига нисбатан ҳеч қандай шубҳа туғилмайди. Айрим ҳолларда никоҳланувчилар никоҳга кирганларидан сўнг улар ўртасида соғлиқлари ёки жинсий томондан етилмаганликлари хусусида низо келиб чиқиши мумкин. Келажакда бенуқсон фарзандларни дунёга келтириш, жамиятимиз ва давлатимиз учун соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш ҳар-биримизнинг бурчимиздир.

**Шоира ЙЎЛДОШЕВА,**
**ТДЮИ «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедраси тадқиқотчиси.**

# ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

***Саволларингизга Тошкент вилояти касаба уюшмалари Кенгашининг меҳнат ҳуқуқлари нозири Ҳосият МАҲМУДОВА жавоб беради.***

***Савол: Шартнома муддатининг тугаши муносабати билан ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйиладими?***

**Н.ҚУЛМАТОВА,**
**Термиз шаҳри.**

**ЖАВОБ**: Меҳнат Кодекси(МК)нинг 237-моддаси иккинчи қисмига биноан, ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномаси муддати тугаганлиги сабабли у бекор қилинган ҳолларда ҳам ҳеч қандай истисносиз уларни бошқа ишга жойлаштириш иш берувчи томонидан амалга оширилади.

Бу масалани муфассалроқ кўриб чиқайлик.

Ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан меҳнат шартномасининг муддати тугаганидан кейин МКнинг 105-моддасига биноан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлардан кечиктирилмасдан чиқарилиши керак. Корхона тугатилишида бўлгани каби, аёлни ишга жойлаштириш чоралари кўрилиши керак. Бунда:

биринчидан, меҳнат шартномаси унинг муддати тугаши муносабати билан бекор қилинганида ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни ишга жойлаштириш иш берувчига (тугатиш чоғида - ҳуқуқий меросхўрга, у бўлмаганида - маҳаллий меҳнат идорасига) юклатилган.

Иккинчидан, меҳнат шартномаси унинг муддати ўтганлиги муносабати билан бекор қилинганида иш берувчи аёлга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган бошқа иш таклиф қилиши керак. Агар корхонада бундай имконият бўлмаса, шу ердаги мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф қилиши лозим.

Мазкур ҳолда уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга бошқа ишга жойлашиш даврида, аёлларнинг аввалги лавозимлари бўйича ўртача иш ҳақи сақланиб туради.

Ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёл билан меҳнат шартномаси МКнинг 105-моддасига биноан шартнома муддати тугаши сабабли у бекор қилиниши, агар низони ҳал қилиш чоғида иш берувчи мазкур аёлларни ишга жойлаштириш имконига эга бўлмаганлиги ёки улар юқорида кўрсатилган тартибда таклиф қилинган ишни рад этганлиги аниқланган тақдирдагина қонуний деб топилади.

Акс ҳолда, аввалги ишга тиклаш талаби, келиб чиқадиган барча оқибатлари билан қондирилиши керак бўлади.

***Савол: Меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимнинг ҳисоб-китоб пулидан ушлаб қолиниши мумкинми?***

**З.АЛИМЖОНОВА,**
**Пахтачи тумани.**

**ЖАВОБ**: Умумий қоидага кўра, МКнинг 164-моддасига биноан ходимнинг ёзма розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса - суднинг қарорига асосан ходимга тегишли ҳисоб-китоб пулидан ушлаб қолинишига йўл қўйилади.

Ходимнинг рози ёки рози эмаслигидан қатъи назар:

Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;

суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;

иш ҳақи ҳисобига берилган авансни ушлаб қолиш учун, хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган, сарф қилинмай қолган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ушлаб қолиш учун ҳамда ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш учун;

ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда, таътилнинг ишланмаган даврига тегишли кунлар учун:

ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун, агар етказилган зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса;

агар ходим интизомни бузган бўлса унга интизомий жазо тариқасида қўлланилган жарима ушлаб қолинади.

Шуни билиб қўйиш керакки, ҳар қандай ҳолда ҳам ушлаб қолинаётган маблағнинг умумий миқдори меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғида ходимга тегишли ҳисоб-китоб пулининг эллик фоизидан ортиб кетиши мумкин эмас.

Иш ҳақи ҳисобидан хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа жойга ишга ўтказилиши муносабати билан берилган авансни ушлаб қолиш, ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида тўланган ортиқча маблағни қайтариб олиш учун ходимнинг розилигисиз ҳисоб-китоб пулидан ушлаб қолинишига, агар аванснинг қайтарилиши ёки қарзнинг тўланиши учун белгиланган муддат тугаганидан кейин ёки нотўғри ҳисобланган тўлов кунидан меҳнат шартномаси бекор қилинадиган кунгача бир ойдан ортиқ вақт ўтмаган бўлсагина йўл қўйилади.

Агар бу муддат ўтказиб юборилган ёки ходим хўжалик эҳтиёжлари учун, хизмат сафарлари ва бошқа жойга ишга ўтказилиши муносабати билан берилган аванс пулларининг асоси ёки миқдори юзасидан низолашадиган бўлса, у ҳолда қарзнинг тўланиши фақат суд орқали амалга оширилиши мумкин.

***Савол: Муайян ишни бажариб келган ходим ишга тикланиши муносабати билан меҳнат шартномасини МКнинг 106-моддаси иккинчи бандига мувофиқ бекор қилиш қачон асосли деб топилади?***

**Г.ХУДАЙБЕРГАНОВА,**
**Гурлан тумани.**

**ЖАВОБ**: Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ходим у ёки бу сабабларга кўра аввалги ишига тикланиши керак бўладиган бир қатор ҳолатларни назарда тутади. Бунда шундай саволлар туғилади: бу пайтда шу ишга (лавозимга) қабул қилинган бошқа ходим билан қандай муносабатда бўлиш лозим? Бундай ҳоллардан кейин қабул қилинган ходим билан тузилган меҳнат шартномаси қонунда белгиланган тартибда МКнинг 106-моддасининг иккинчи бандига кўра, шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланиши муносабати билан бекор қилиниши мумкин.

Лекин аввалги ишга ҳар бир тикланиш ҳам мазкур асос бўйича меҳнат шартномасини бекор қилишга сабаб бўлиши мумкин деб бўлмайди.

Шуни билиб қўйиш керакки, меҳнат шартномасини МКнинг 106-моддаси иккинчи бандига кўра бекор қилиш фақат шу ишни илгари бажариб келган ходимнинг ўз ишига тикланиши иш берувчининг мажбуриятига айланган вақтдагина мумкин бўлади.

Бинобарин, меҳнат шартномаси МК 106-моддаси иккинчи бандига кўра бекор қилиниши асосланганлигининг энг муҳим шарти - иш берувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимни айни у илгари бажарган ишга тиклашга мажбур бўлган ҳолатлар мавжудлигидир.

Масалан, лойиҳа институтида бўлим муҳандиси бўлиб ишлаётган икки фарзанднинг онаси Д. билан меҳнат шартномаси унинг малакаси етарли бўлмаганлиги, эгаллаб турган лавозимига нолойиқлиги сабабли МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 2-бандига кўра бекор қилинган эди. Бу жараёнда МК 237-моддасининг уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўймаслиги тўғрисидаги талаби қўпол равишда бузилганлигини ҳисобга олиб, меҳнат ҳуқуқи нозири иш берувчига ғайриқонуний буйруқни бекор қилиш тўғрисида фармойиш берди. Бу пайтда Д. ўрнига бошқа ходим қабул қилинганлиги учун иш берувчи меҳнат ҳуқуқи нозирининг фармойишини бажариш билан бир вақтда Д. нинг ўрнига қабул қилинган ходим билан тузилган меҳнат шартномасини МК 106-моддасининг 2-банди бўйича бекор қилишга мажбур бўлди.

Қонун ҳужжатлари иш берувчига ходимни илгари бажариб келган ишга тиклаш мажбуриятини юкламаган ҳолларда МК 106-моддасининг иккинчи бандини қўллашга йўл қўйиш мумкин эмас.

# Сурурли лаҳзалар



Инсон ҳаёти ҳам гўё табиат замзамаларига ўхшайди. Қаршингда турган довон ортидан чўлми ёки водий бошланишини билмайсан киши. Бунда нафақат ички бир туйғу, шу билан бирга тажриба, йўл-йўриқ, улуғларнинг кўрсатмалари кўп асқотади. Раҳматилланинг бахти ҳам шунда - отаси раҳматли Тошвой ака умрининг охиригача ёш авлодга зиё тарқатди. 55 йил мактабда математикадан сабоқ берди. Буни қарангки, оиладаги етти фарзанд ичида Раҳматиллагина ота изидан борди, ўқитувчи бўлишга, бўлганда ҳам Тошвой ака каби ёш истеъдод эгаларида риёзиёт фанига меҳр уйғотишга аҳд қилди.

Шунга ҳам хаш-паш дегунча, йигирма йилдан зиёд вақт ўтибди. Бугун Раҳматилла Каримовни Акмал Икромов туманидаги 4-мактабдагина эмас, балки пойтахт маорифчилари ҳам ҳурмат ила устоз дея алқашади. Бунинг сабаби бор, албатта. Куюнчаклик ва изланувчанликни ота мерос қилиб олган Раҳматилла фақат бугунги кун билан яшашни ўзига эп кўрмайди. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари юмушларидан бўш пайтларида ўзи ташкил қилган математика тўгараги томон тобора кўпроқ ўқувчилар оқиб келаётганидан бир қувонса, бунинг таъсири ўлароқ синфда дарс ўтиш ҳам осонлашиб, муҳими қизиқарлироқ бўлиб бораётганидан шодлиги ичига сиғмайди. Тўгарак иштирокчиларининг анчайин мураккаб масала ва мисолларни ечаётгани, бунда Давлат тест маркази томонидан чоп этилган рисолалар асос вазифасини ўтаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Қанчадан-қанча ўқувчилар олий ўқув юртлари синовларидан муваффақиятли ўтиб, талаба деган саодатли онларни бошдан кечираётган бўлса, мактабнинг У.Фаттохова, А.Баратов, М.Туронова, Д.Ёқубова каби истеъдодли ўқувчилари туман ва шаҳар олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллашмоқда.

Биз Раҳматилла Каримовни изланувчан ўқитувчи деб бежиз мақтамадик. Дарҳақиқат, унинг «Математика ва ҳарбий ватанпарварлик тарбияси», «Осмон тоқига нарвон қўйган аллома», «Қўшимча дарс ёки Умар Ҳайём билан дилдан суҳбат» сингари кўплаб мақолалари республика матбуотида чоп этилиб, ҳамкасблари учун ўзига хос ёрдамчи адабиёт сифатида қўл келмоқда. Дарвоқе, ўтган йили Давлат патент ташкилоти Раҳматилла Каримовнинг «Стереометрик фигуралар учун универсал қурилма» ва «Фазовий декарт координаталар системаси» илмий ишларини мактаб ўқув дастурида қўллаш фойдали деб топиб, унга патент ҳам берди.

Аммо Раҳматилла учун унга «Меҳнат шуҳрати» ордени топширилган кун энг ҳаяжонли кун сифатида бир умр ёдда қолса ажаб эмас. У орденни қўлга олар экан, чидаб туролмади, меҳрибон волидаи муҳтарамаси Умри хола ҳузурига ошиқди. «Онажон, отамнинг орзу-умидлари рўёбга чиқди», - деди у остонадан кирибоқ. - Агар ҳаёт бўлганларида қанчалар қувонган бўлар эдилар-а!»

Умри аянинг кўзларидан дув этиб ёш оқиб чиқди. Бу шодлик ва ифтихор ёшлари эди.

**З.РИХСИЕВ.**

***Суратда:* унутилмас лаҳзалар.**

**Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

***Тирикликнинг ўзига хос фараҳбахш онлари, хаёллари, қандайдир мунг аралаш дамлари бўларкан. Ҳар гал онаизоримни эслаганимда шу фикрлар хаёлимда чарх уради. Шунда беихтиёр онамнинг қабрини зиёрат қилгим, қалбимнинг қат-қатидан отилиб чиққан юрак сўзларимни тўкиб-солгим келади.***

# МАНГУ ҚЎШИҚСИЗ, ОНАЖОН!

## *(Новелла)*

Бу кун ҳам эҳтимолки сўз билан ифодалаш мушкул бўлган соғинч, меҳрга беҳад ташналик билан қишлоғимиз чеккасига жойлашган қабристонга йўл олдим. Ахир, ҳеч замонда жигаргўшаларини оқ ювиб, оқ тараган мўътабар ва мунис, дилкаш ҳамда суюкли зот — оналарни унутиб бўладими?

Бу гал табаррук жой одамлар билан гавжум, қишлоғимизда қўлидан баҳоли қудрат иш келадиган одам борки, қабристонга кўчиб чиққан эди.

Ўй-фикрлар билан бўлиб, қабр ёнига келиб қолганимни сезмабман. Бу — онамнинг қабри. Ҳар гал қабрнинг олд томонига қўйилган бир тутам гулга кўзим тушганда онамнинг ёрқин сиймосини кўргандек бўламан. Негадир у гулда волидайи меҳрибонимнинг ёрқин чеҳраси, ўтли нигоҳлари яшириниб ётгандек туюлади.

— Ажаб, дориломон замонлар келди-да. Ҳалол меҳнат қилган асло кам бўлмайди, — дердингиз, онажон.

«Ҳар даврнинг ҳам ўзига хос қўшиқлари бўлади» деганингиз ёдимда. Рост экан. Ўйлаб кўрсам, тириклигингизда биз учун бир умрлик энг жаранг-дор мангу қўшиқ экансиз. Чор атрофда қилинаётган ишларни кўраяпсизми? Эрта-индин аскар ўғлингиз ҳам қайтади ва албатта сизни кўргани келади. Унинг сизни қанчалик яхши кўришини биласизми? Фақат сизнинг қабрингизга келганда...

Ҳали замон «Хотира ва қадрлаш куни» муносабати билан митинг ҳам ўтказилади. Менинг ҳам гапиргим бор. Марҳум қишлоқдошларим, уларнинг меҳнати, жасоратлари ҳақида, озгина сиз ҳақингизда гапиргим бор...

Негаки, сиз ҳам оғир уруш йилларидаёқ, ёш бўлишингизга қарамай, икки нормачилик ҳаракатининг ташаббускори бўлгансиз. Бир елкада ўттиз йил ипак қурти боққансиз... Муҳими, онажон, сиз 12 фарзандни вояга етказдингиз... 10 ўғил, 2 қиз...

Ҳа, онажон, сиз чиндан ҳам меҳнатда тенги йўқлардан эдингиз. Эсимда, теримнинг энг долзарб палласида бетоб бўлиб қолган эдингиз. Барибир жонингизга раҳм қилмадингиз. Гандираклаб бўлса ҳам чаноқларга талпинардингиз. Сизни пахтазордан олиб чиқишга қурбимиз етмади. «Қўй, ўғлим, шу ерда тузаламан», дедингиз. Эшитиш оғир эди, лекин шундай бўлди...

Ёшлигимда китобларда оналар умрбоқий, оналар асло ўлмайди, деган жумлаларни кўп учратсам-да, мағзини чақиб кўрмаган эканман. Мана, энди етдим, у сўзларнинг тагига...

Ҳа, онажон, сиз қалбимизда тириксиз. Бугун қабрингизга кўз тикиб, сукут сақлаб турган 12 фарзандингиз, 35 набирангиз умрингизнинг давомчилари эмасми?..

Ўғлим Умиджон ҳам бир вақтлар сизга берган ваъдасининг устидан чиқди. Унинг расми олийгоҳ аълочилари доскасидан жой олган. Мана, ўзиям кўзида ёши қалқиб турибди...

Руҳингиз бизга мадад бериб, ҳали юрилмаган сўқмоқлар, эгалланмаган чўққилар сари ундаяпти, Онажон!..

**Усмон НАВРЎЗ,**
**Жондор тумани.**

*Саломатлик неъматлари*

# ИСМАЛОҚ

Шифобахш гиёҳлардан дори-дармон сифатида фойдаланиш жуда ҳам қадимий бўлиб, унинг илдизи инсоннинг шаклланиш даврларидан бошланади. Узоқ вақтлардан бери овқатга ва айрим касалликларга қарши ишлатиб келинаётган ўсимликлардан бири исмалоқдир. Баҳорий неъматлар қаторида исмалоқнинг ўрни ўзгача. Уни чўчқатикан, смолоқ, испанак, асфихох, шинат деб ҳам атайдилар. Исмалоқни республикамиз жанубий туманлари тоғ ёнбағирларидаги ўтлоқларда, далаларда, экинлар орасида учратиш мумкин. Унинг таркибида C,B,B3,B4,PP,K,E каби витаминлар, бундан ташқари темир, йод, фосфор, калий, кальций, магний, каби меъданлар мавжуд. Шу боис ҳам исмалоқ парҳез ва болалар овқати тайёрлашда кенг ишлатилади.

Инсон организмида енгил ҳазм бўлади, таркибида ошқозон ости ва сўлак безлари фаолиятини кучайтирувчи моддалар мавжуд. Оқсил моддасининг миқдорига кўра исмалоқ барча сабзавотлардан устун туриши аниқланган (кўк нўхат ва ловиядан кейин). Исмалоқни ҳавонинг нисбий намлиги 90 фоиз ва 0 С ҳароратида олти кунгача сақлаш мумкин. Абу Али ибн Сино исмалоқ баргидан тайёрланган қайнатмани йўталга, балғам кўчирувчи, қабзиятга қарши, сафро ҳайдовчи восита сифатида қўлланган. Унинг баргидан тайёрланадиган малҳам оғриқ қолдиришда ҳам қўлланилади.

Халқ табобатида исмалоқ баргларидан тайёрланган дамлама камқонлик, бедармонлик, томоқ, ўпка ва асаб касалликларига даво ҳисобланади. Шунингдек, у ел ва сийдик ҳайдовчи омил сифатида ҳам тавсия этилади.

Илмий тиббиётда исмалоқни камқонлик ва рахит касалликларини даволашда, шунингдек, парҳез овқат сифатида ва сервитаминли неъмат сифатида истеъмол этиш ва ундан витаминли концентратлар тайёрлаш тавсия этилади.

Айни баҳорда, киши организми витаминларга чанқоқ бўлган дамларда унинг мурғак новда ва баргларидан ялпиз, отқулоқ, жағ-жағ, момоқаймоқ, йўнғичқа ўтлари билан бирга чучвара, кўк сомса, манти, нон ва бошқа кўкатли таомлар тайёрланади.

Олимларнинг таъкидлашича, 100 грамм исмалоқ 25-30 калорияга эга, тухумда эса 40 калория бор. Бинобарин, 500 грамм исмалоқ 3 дона тухумнинг кучини бера олади. Исмалоқни узоқ вақт очиқ жойда сақлаб бўлмайди.

**Сафар МУХАММАДИЕВ,**
**доцент.**

# ЁНҒИН ХАБАРЧИСИ

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Убай Орипов номидаги Электроника институти олимлари замонавий ёнғин датчикларини яратишди.

— Висмут, теллур ва қалай бирикмалари асосида яратилган ушбу қурилмаларнинг афзаллиги шундаки, у хонада озгина олов чиққани заҳоти инфрақизил нурлар ҳисобига ишлаб кетади, - деди Электроника институти директори ўринбосари Абдурауф Жўрахолов. - «Сезгир» қурилмалари республикамиздаги муҳим иншоотлар, хусусан, банк, меҳмонхона, завод, фабрика, солиқ ва бизнес марказларида тажриба-синовидан ўтказилаётир.

Директор ўринбосарининг таъкидлашича, ҳозирча институтнинг тажриба ишлаб чиқариш лабораториясида йилига беш мингдан ортиқ «ёнғин хабарчи»сини ишлаб чиқариш мўлжалланаяпти.

# НАВРЎЗ ШАНБАЛИГИ

Боғдод туманида «Наврўз» умумхалқ байрамига бағишлаб хашар ўтказилди. Шу куни ишлаб топилган 2 миллион сўмдан ортиқ маблағ тумандаги Қосимобод, Чўринди қишлоқлари хонадонларини газлаштириш ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш билан боғлик хайрли ишларга сарфланади.

# ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА

Ўзбек кураши бўйича Жаҳон, Европа ва Осиё чемпионатларида миллий спортимизнинг мазкур тури қонун-қоидаларини тўлиқ ўзлаштирган халқаро тоифадаги ҳакам ва мураббийлар тақчиллиги долзарб муаммо ҳисобланади.

Халқаро Кураш Академияси томонидан ташкил қилинган ўн кунлик ўқув курслари бу муаммони бартараф этаётир. Республика Олимпия ўринбосарлар тайёрлаш билим юртида ушбу курснинг учинчи босқич битирувчилари сўнгги имтиҳонларни топширди.

— Хорижлик кураш фидойиларидан ҳакам ва мураббийлар зарурияти тўғрисида Халқаро Кураш Академиясига кўплаб талабномалар келаётир, - деди Академия Президенти Жўрақул Турсунов «Туркистон-пресс» мухбирига. - Шуни ҳисобга олиб, кураш бўйича ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан етук мутахассислар тайёрлаш борасида шу йилнинг январ ойидан ўқув курслари фаолият кўрсата бошлади. Академия томонидан мутахассисларни ўқитиш учун пухта дастур ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда мутахассисларнинг малакаси оширилади. Айни чоғда 35 нафар мутахассис ҳакам ва мураббийлик қилиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Академияда таҳсил олаётган бангладешлик Серазул Мовланинг айтишича, унинг ватанида ҳам курашимиздан бир мунча фарқ қилувчи миллий спорт тури мавжуд экан. Шу сабабли у ерда Ўзбек кураши федерацияси ташкил этиш режалаштирилмоқда. Апрел ойида Қаршида Президент соврини учун Амир Темур учинчи халқаро хотира турнирида бангладешлик полвонлар илк бор ўз кучларини синаб кўришади.

Ж.Турсуновнинг айтишича, кураш федерациялари мавжуд 30 га яқин мамлакатда Академия филиаллари очилиб, улар қошида ҳам ўқув курслари ташкил қилиниши мўлжалланаётир.

**«Туркистон-пресс»**

# МЕН БАХТИМНИ КУЙЛАЙМАН

Жиззах шаҳрида ҳаваскор ижрочиларнинг соғлом авлод йилига бағишланган кўрик-танлови ўтказилди. Танловда вилоят туманларидаги бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўз дастурларини намойиш этишди. Унда Дўстлик тумани санъаткорлари пешқадам бўлишди. Жиззах шаҳар ҳаваскорлари жамоаси иккинчи, Ғаллаорол тумани қўшиқчилари эса учинчи ўринни олишди. Форишлик Раъно Тошпўлатова, зоминлик Фазлиддин Муҳиддиновларнинг чиқишлари томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

# КИТОБХОНЛАР КЎПАЙМОҚДА

Саидо Насафий номидаги Қашқадарё вилоят кутубхонасида мутолаа учун барча шароитлар яратилган.

— Шунинг учун кутубхонамизга келувчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда, - деди ўқув зали назоратчиси Дилфуза Бердиева. - Ҳар куни 100-120 нафар китобхонга хизмат кўрсатмоқдамиз. Уларнинг кўпчилиги ўқувчи ва талабалар. Асал Авазова, Раҳима Отамуродова каби ходимларимиз китобхонларга беминнат ёрдам беришмоқда.

**С.ЖЎРАЕВА.**

*Бекорчидан эл безор*

# ЙЎЛТЎСАР

***Қиш мавсуми охирлаётган бўлса-да, кўпчилик эгнидан пальто, куртка ҳали тушганича йўқ. Республика ички ишлар идораларига тушаётган аризалар орасида баъзи бир зўравонлар қимматбаҳо кийимларни кийиб чиққан кишиларни қўрқитиб, муштумзўрлик билан уларни шилиб олганликлари ҳақида маълумотлар бор.***

Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги Мунис кўчасида турган Т.Лим чармдан тикилган курткада кетаётган йигитга кўзи тушди-ю хаёли бузилди. Ҳозир шу болага боплаб дўқ урсам, курткасини ечиб беради, деб ўйлади у. Аммо С.Цой ҳам аноййилардан эмас экан. Орадаги анча тортишувдан сўнг, наф бўлавермагач, Т.Лим кучини ишга солди.

Чарм курткасидан ҳам кўра, йигитлик ғурури поймол бўлганига алам қилган Т.Цой ишни қонуний ҳал қилиш учун милицияга келди. Кўп ўтмай, ҳуқуқ посбонлари шикоятчининг даъвосини қондирдилар. Эндиликда Т.Лим «кучини» воқеа тафсилотини ёзишга сарфлаяпти.

Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар ходимлари ҳам шундай воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Нафақахўр О.Шукуров юқоридаги сингари бир муштумзўрга дуч келиб, пичоқ зарбидан яраланди ва узугидан ажралди. Лекин бировга пичоқ уриш ва буюмларини тортиб олиш оғир жиноят эканлигини билганми-билмаганми, ҳар ҳолда 40 ёшни уриб қўйган Г.Ешков милиция ходимлари томонидан тезда қўлга олинди.

Шу туманнинг Феруза мавзесида А.Митрафанов ҳам бир кимсага дуч келади. Унинг ҳе йўқ, бе йўқ, «Курткани еч», деган буйруғи ғалати туюлади. У: «Бор ишингни қил», дейиши билан ҳалиги йигит йўловчининг юзига тўсатдан бир-икки тарсаки тушириди-ю, Митрафановнинг қимматбаҳо курткасини ечиб олиб кетади.

Тезда кўрилган чора-тадбирлар ўз натижасини берди. Маълум бўлишича, Шаҳрисабз туманида яшовчи, бекорчи йигит И.Мустафоев бу жиноятни содир этган экан.

Ҳамза тумани ички ишлар бўлими ходимлари ҳам шундай жиноятчи кимсалардан азият чеккан кишиларнинг мушкулини осон этиб қинғир ишларни фош этишди. Масалан, Фарғона йўли кўчасидаги қоғоз комбинати олдида келаётган К.Қурбонниёзов уч барзангининг дўқпўписасидан кейин кийимини ечиб беришга мажбур бўлди. Қолаверса, чўнтагидаги 38 минг сўм пули ҳам уларда кетгач, милиция бўлимига югуриб келди...

Зудлик билан тузилган тезкор чора-тадбирлардан сўнг унинг чарм курткаси ва пулини олиб кетган йигитчалар — Д.Еремеев ва Р.Жумагалиевлар ашёвий далил билан ушландилар.

Юнусобод туманининг Лутфий кўчасида истиқомат қилаётган У.Ибрагимов одамларнинг курткасини тортиб олиш бобида юқоридаги ҳамкасбларидан устароқ чиқиб қолди. У «Зарафшон» ресторани ёнида наманганлик М.Маллабоевни бир чеккага тортди-ю, ҳозир курткангни ечмасанг... дея қўрқитди.

Куртка чўнтагидаги 20 минг сўм пул зўравоннинг «ихтиёрига» ўтгач, жабрланувчи дарҳол милиция идорасига келади. Бу мурожаат ҳам қоғозда қолмади. Зудлик билан тезкор тадбирлар олиб борган милиция ходимлари У.Ибрагимовни тутиб келтирдилар. Энди қолган гаплар терговдан сўнг маълум бўлади.

Ҳар бир фуқаронинг шахси ва мулки дахлсизлигини ҳимоя қилаётган ички ишлар ходимлари бундай жиноятчиларнинг йўлига мустаҳкам тўсиқ қўймоқдалар. Шу боис, юқоридаги сингари жиноий ҳолатларни содир этган кимсалар қилмишларига яраша жазо олишлари муқаррар.

**Шухрат РЎЗИЕВ.**



*Тоғйўллари*

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00

Буюртма Г— 114. 1 2 3 4 5 6